

Тошкент шаҳридаги масжидларга янги имом-хатиблар тайинланди



ТАЙИНЛОВ

22:57 / 31.01.2023 1772

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган бир нечта масжидларда янги имом-хатиб ва имом ноиблари иш бошладилар. Бу ҳақда Vakillikuz телеграм канали хабар берди.

Жумладан, Шайхонтоҳур тумани «Хувайдо» жомеъ масжидига «Оқилон» жомеъ масжиди имом-хатиби Собиржон домла Рустамов, Чилонзор тумани «Бўта Бува» жомеъ масжидига Шайхонтоҳур тумани «Хувайдо» жомеъ масжидининг имом-хатиби Аброр домла Алимов, Сергели тумани «Маъруф ота» жомеъ масжидига Янгиҳаёт тумани «Қуддуси Шариф» жомеъ масжиди имом ноиби Сарвар домла Муҳаммадиев, Шайхонтоҳур тумани «Оқилон» жомеъ масжидига мазкур жомеъ масжиднинг имом ноиби Неъматулла домла Исмоилов имом-хатиб этиб тайинландилар.

Роббимиз Аллоҳ таолодан янги иш бошлаган имом-хатиб ва ноибларга улкан муваффақият ҳамда халқимизга кўрсатаётган хизматлари эвазига беҳисоб ажрлар ато этишини сўраймиз.